Подписка-2012 Г-XII
Продлено

Куч — адолатда

2012 йил,
12 январь,
пайшанба
№ 1-2 (359)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси | http://www.supcourt.uz | 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

ЭЛУ ЮРТИМИЗ ТИНЧЛИГИ ВА ХАВФСИЗЛИГИНИНГ МУСТАҲКАМ ҚАЛҚОНИ

Озод ва обод Ватанимиздаги бугунги тинч ва осуда ҳаёт, ҳамжиҳатлик ва фаровонлик бебаҳо бойлигимиздир. Халқимиз азалдан тинчлик ва осойишталикни Ватан, она, озодлик каби муқаддас тушунчалар қаторида улуғлаб, эъзозлаб келади. Ватан озодлиги, тинчлиги ва хавфсизлиги ҳимоячилари эса, мудом ҳурмат-эътиборда.



Конституциямизда мамлакатимиз Қуролли Кучларининг ҳуқуқий мақоми аниқ белгилаб қўйилган, Қуролли Кучларимиз Ўзбекистон суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини, аҳолининг осуда ҳаёти ва хавфсизлигини таъминлаш учун ташкил этилгани таъкидланган. **«Мудофаа тўғрисида»**ги ва **«Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»**ги қонунлар Қуролли Кучларимиз ташкилий асосларини ўзида мужассам этган.

Истиқлол йилларида юртимизда замонавий талаб ва стандартларга жавоб берадиган, Ватанимиз мустақиллиги, хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигининг ишончли кафолати бўлган миллий армиямизни шакллантириш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда.

Миллий армиямизни ислоҳ қилишдан кўзланган асосий мақсад — унинг мудофаа қобилиятини ошириш, мустақил тараққиётимизни таъминлаш борасидаги вазифаларни бажаришга қодир Қуролли Кучларни барпо этишдан иборатдир. Бу борадаги дастурга мувофиқ, Мудофаа вазирлигининг бўлинма ва қисмларини, чегара қўшинларини, бошқа вазирлик ва идораларнинг ҳарбий тузилмаларини ягона қудратли тизимга бирлаштирган Қуролли Кучларимиз қисмларининг таркиби ва жойлашуви қайта кўриб чиқилди.

Айтиш керакки, ҳарбий хизматчиларнинг профессионал тайёргарлигини оширишга алоҳида эътибор берилмоқда. Шу мақсадда сержантлар тайёрлаш мактаблари ташкил этилди, бу мактабларда юксак маънавий-ахлоқий ва етакчилик фазилатларига эга, интеллектуал салоҳияти юқори ҳарбийлар тарбияланмоқда.

Муддатли ҳарбий хизматнинг бир йил этиб белгиланган, муддатли ҳарбий хизматга чақирувнинг бир йилда бир марта, танлов асосида ташкил этилаётгани, сафарбарлик-чақирув резерв хизматининг жорий этилгани армиямизнинг қиёфасини, унинг мазмун-моҳияти ва жанговар имкониятларини, ҳарбий жамоалардаги маънавий-ахлоқий муҳитни тубдан ўзгартирди.

Ҳарбий хизматчиларнинг хизматни ўташ ва яшаш жойларидаги ижтимоий-маиший шароитларини янада яхшилаш, уларни уй-жой билан таъминлаш, ҳарбий шаҳарчаларни қуриш ва реконструкция қилиш, ҳарбийларга малакали тиббий хизмат кўрсатиш борасида аниқ мақсадли, комплекс дастурларнинг изчил ижро этилиши ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларининг моддий, ижтимоий-маиший шароитларини сезиларли равишда яхшилаш имконини бермоқда.

Қуролли Кучлар сафида хизмат қилишнинг нуфузи ортиб, бу йигитларимиз учун эзгу орзуга айланди. Ҳарбий хизмат ёшларимизни жисмонан ва маънан чиниқтириш билан бирга, улар қалби ва онгида ватанпарварлик, фидойилик, Ватани ва халқига садоқат каби фазилатларни мустаҳкамламоқда.

Қуролли Кучларимизда ўтказилаётган «Энг илғор мутахассис», «Умумармия ўйинлари», «Энг яхши китобхон» каби мусобақа ва кўрик-танловлар ҳарбий хизматчиларнинг касб маҳорати ва жанговар шайлигини ошириш баробарида истеъдодли ҳарбийларни аниқлаш ва рағбатлантириш, улар ўртасида миллий қадриятларни тарғиб этиш, соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга хизмат қилаётир.

(Давоми иккинчи бетда)

Мамлакатимиз сарҳадлари ишончли ҳимоя қилинмоқда

Ватан чегараларини қўриқлаш барча замонда энг масъулиятли ва шарафли вазифалардан бири бўлган, уни бажариш фақат юртнинг энг яхши жангчиларига ишониб топширилган. Тинчлик-осойишталик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик, ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик ҳукм сураётган Ўзбекистонда хавфсизлик ҳамда ҳудудий яхлитликни таъминлаш, миллий манфаатларни ҳимоя қилишда чегара хизмати алоҳида ўрин тутади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг доимий эътибори туфайли истиқлол йилларида мамлакатимиз чегараларида трансмиллий жиноятчилик, наркобизнес, контрабанда, ноқонуний қурол-яроғ савдоси каби замонавий таҳдидлар йўлига ишончли тўсиқ қўйилди.

...Илонизи тоғ йўли бора-бора торайиб, охири бурилди. Бир дақиқа олдин машина тарк этган чегара пости энди кўринмайди. Йўлнинг бир томони қоялардан иборат, иккинчи томонида кичкина тоғ дарёси шарқираб оқмоқда. Яна бир неча дақиқадан сўнг машина тўсиқ олдида тўхтади — у ёғига юриб бўлмайди. Тор йўлакча орқали фақат пиёда ёки отда ўтиш мумкин. Буюмларни олиб, чегарачилар билан йўлни давом эттирдик. Кўз ўнгимизда Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманидаги ажойиб тоғ манзаралари намоён бўлди. Олдинда, бир неча километрдан сўнг Ўзбекистон Республикасининг давлат чегараси. Уни жасур чегарачиларимиз қўриқламоқда.

(Давоми иккинчи бетда)

Мамлакатимизда суд идораларининг том маънодаги мустақиллигини таъминлаш ҳамда уларнинг фуқаролар ва юридик шахсларнинг қонуний манфаатларини тўлиқ муҳофаза этишдаги аҳамиятини янада ошириш мақсадида амалга оширилаётган ислоҳотлар бугун ўзининг аниқ самарасини бераётир.

Huquqiy ma`rifat

Буйруқ тартибида иш юритиш

фуқаролик ишларининг самарали ва тез ҳал этилишида муҳим омил

Судларда айрим турдаги низосиз ишларни соддалаштирилган ҳолда тезлик билан ҳал этиш, яъни буйруқ тартибида иш юритиш фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Айтиш керакки, суд буйруғи биринчи инстанция суди томонидан қабул қилинадиган қарорларнинг алоҳида бир тури бўлиб, Фуқаролик процессуал кодексининг 238²-моддасида кўрсатилган талаблар юзасидан суд муҳокамаси талаб қилинмайдиган ишлар бўйича чиқарилади ва у ижро ҳужжати кучига эга.

Буйруқ тартибида иш юритиш нафақат фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини тўлиқ ҳимоя қилишда, айни пайтда суд ишларини ўз вақтида ва самарали ҳал этишда ҳам муҳим ўрин тутади.

(Давоми иккинчи бетда)

Ҳар бир миллатнинг ўзига хос маънавиятини шакллантириш ва юксалтиришда, ҳеч шубҳасиз, оиланинг ўрни беқиёсдир. Чунки оила жамиятнинг негизи саналиб, унда ёш авлодни тарбиялашдай муҳим ва эзгу вазифалар амалга ошади. Зотан, Конституциямизда белгилаб қўйилганидек, оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга.

Munosabat

Оилага эътибор — келажакка эътибор

Дарҳақиқат, оиланинг ҳаётимизда тутган ўрни беқиёсдир. Президентимиз таъкидлаганидек, **оила — ҳаётнинг абадийлигини, авлодларнинг давомийлигини таъминлайдиган, муқаддас урф-одатларимизни сақлайдиган, шу билан бирга, келажак наслар қандай инсон бўлиб етишишига бевосита таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоғи.**

Президентимиз раҳбарлигида истиқлолимизнинг ўтган даврида мамлакатимизда оила, уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва мустаҳкамлаш борасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга ошириб келинмоқда.

(Давоми тўртинчи бетда)



Ўтган йил юртимизда ҳамма жабҳада ютуқ ва муваффақиятларга бой йил бўлди. Хусусан, ҳали-ҳамон жаҳон иқтисодий инқирози давом этаётган бир пайтда мамлакатимизнинг барқарор иқтисодий салоҳияти нафақат юртимиздаги мутахассислар, балки хорижлик экспертлар томонидан ҳам эътироф этилди.

Yangi qonun mohiyati

Такомиллаштирилаётган қонунчилик

инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясига хизмат қилмоқда

Бунда, албатта, давлатимиз томонидан олиб борилаётган аниқ чора-тадбирларнинг ўрни беиҳоя катта. Айниқса, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2011 йилнинг юртимизда **«Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили»** деб эълон қилинганлиги ва шу асосда Давлат дастури қабул қилиниб, ижроси изчиллик билан таъминлаётгани муҳим омил бўлди.

Президентимиз **«Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»** номли маърузасида таъкидлаганидек, **мустақил тараққиётимизнинг ўтган даврида амалга оширган ишларимизни сарҳисоб қилар эканмиз, уларни ҳаққоний баҳолаш ва ислоҳотлар дастурига маълум ўзгартишлар киритиш билан бирга, биринчи навбатда, эртанги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимизни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш йўлидаги изчил ҳаракатларимизни кучайтиришимиз, уларни янги, янада юқори босқичга кўтаришимиз даркор.**

(Давоми учинчи бетда)

Islohot va samara

Фуқароларнинг қонуний манфаати устувордир

Маълумки, истиқлол йилларида мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат барпо этишнинг муҳим таркибий қисми бўлган суд-ҳуқуқ тизимини шакллантиришнинг янги концепцияси жорий этилди.

Айтиш керакки, Президентимизнинг 2000 йил 14 августдаги **«Ўзбекистон Республикасининг суд тизимини такомиллаштириш тўғрисида»**ги Фармонига мувофиқ, судларнинг ихтисослашуви — суд тизимининг демократик асосларини ислоҳ этиш, суд ишларининг ўз вақтида ва адолатли кўриб чиқиш йўлида муҳим қадам бўлди. Давлатимиз раҳбари Олий Мажлис палаталарининг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган қўшма мажлисдаги маърузасида таъкидлаганидек, **фуқароларнинг суд орқали ҳимояланиш кафолатлари жиддий тарзда кучайтирилди, ушбу кафолатдан фойдаланиш имкониятларини янада кенгайтиришни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилди.**

Айнан ушбу даврда кассация инстанцияси ислоҳ қилиниб, суд ишларини кўришнинг апелляция тартиби жорий этилгани ҳам муҳим янгилик бўлди. Мазкур ўзгаришларга мувофиқ эндиликда апелляция инстанцияси ишни янгидан кўриб чиқишга юбормасдан, уни ўзи тўлиқ ҳажмда кўриб чиқиши мумкин.

(Давоми учинчи бетда)

Qaror va ijro

Бағрикенглик эзгуликка йўл очади

Инсонпарварлик, бағрикенглик, кечиримлилик халқимиз табиатига хос фазилатлардандир. Доимо эзгуликка интилиш, одамийлик сифатларини улуғлаш ота-боболаримиздан мерос маънавий қадрият саналади. Билиб-билмай хатога йўл қўйган киши, агарда айбини англаб, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон бўлса, уни кечириш ҳам ана шу бағрикенгликнинг бир кўринишидир.

Дарҳақиқат, хато қилган кишини кечириш унинг тўғри йўлга тушиб олиши учун катта имкониятдир. Энг муҳими, ана шундай инсонпарварлик тамойиллари мустақиллик йилларида суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар натижасида қонунчиликда ўзининг теран ифодасини топди.

Бу фикрнинг исботини юртимизда муҳим саналар муносабати билан Президентимиз тақдимномасига асосан Олий Мажлис Сенати томонидан қабул қилинаётган амнистия тўғрисидаги қарорлар мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Олий Мажлис Сенатининг 2011 йил 5 декабрдаги **«Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн тўққиз йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»**ги қарори ана шундай бағрикенгликнинг амалдаги яна бир намунаси бўлди. Зотан, ушбу ҳуқуқий ҳужжат туфайли айрим кишилар ҳаётларини изга тушириб олиш имконига эга бўлишди. Ахтам билан Инобат ҳам ана шундай кишилар тоифасига киради.

Аслида, бу ҳаётда қинғир ишнинг, албатта, қийиғи чиқиши рад этиб бўлмас ҳақиқат. Бинобарин, бировнинг ҳақига хиёнат қилган кимса ҳам қилмишига яраша жавоб бериши шубҳасиз. Афсуски, нима қилиб бўлса ҳам, осон йўл билан мўмай даромад топишдек эгри мақсад кўзини кўр қилган кимсалар бу ҳақиқатни англаб етиши қийин кечар экан. Йўқса, Ахтам билан Инобатнинг турмуши ҳам яхши эди. Уч нафар фарзанднинг ота-онаси бўлган бу кишилар қаноат қилиб яшашганида, бошлари хам бўлиб қолмасди.

(Давоми учинчи бетда)

Huquqiy ma`rifat

Буйруқ тартибида иш юритиш

фуқаролик ишларининг самарали ва тез ҳал этилишида муҳим омил

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Зеро, ушбу институт асосида фуқаролик ишларини судда қўзғатмасдан ҳамда судда мазмунан кўрмасдан тезкор ва ихчамлаштирилган тартибда ҳал этиш мумкин. Айниқса, алимент ундириш, битимлардан келиб чиқадиган айрим низосиз бўлган талаблар, хусусан, ёзма битимга асосланган ва жавобгар томонидан тан олинган — газ, электр энергияси, иссиқлик қуввати ва иссиқ сув таъминоти, сувдан фойдаланиш, иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни ундириш ҳамда фуқаролардан солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан юзага келган қарзни ундириш бўйича талаблар юзасидан суд ишларининг тезкорлик билан ҳал этилишини таъминлайди.

Буйруқ тартибида иш юритиш институтининг аҳамиятини судларга келиб тушаётган суд буйруғи чиқариш тўғрисидаги ариза-ларнинг сони ортиб бораётганлиги ҳам кўрсатади. Масалан, 2010 йилда фуқаролик ишлари бўйича Фарғона вилояти судлари томонидан 236.840 та ариза бўйича суд буйруғи чиқарилган бўлса, бу кўрсаткич 2011 йилнинг 11 ойида 248.266 тани ташкил қилган.

Шу ўринда бевосита мисолга эътибор қаратадиган бўлсак, «Водийгазтаъминот» унитар корхонаси Фарғона шаҳар филиали қарздор Дилшод Қўлдошева *(исм-фамилиялар ўзгартирилган)* нисбатан суд буйруғи чиқариш ҳақида ариза билан мурожаат қилган. Аниқланишича, «Водийгазтаъминот» унитар корхонаси Фарғона шаҳри филиали Д. Қўлдошев билан табиий газ етказиб бериш тўғрисида шартнома тузган ва истеъмолчига тўлов дафтарчаси тақдим этилган.

Д.Қўлдошев мазкур шартнома шартларига амал қилмасдан, гарчи доимий равишда табиий газдан фойдаланса-да, унинг ҳақини тўлашни хаёлига ҳам келтирмаган. Натижада Д. Қўлдошевнинг «Водийгазтаъминот» унитар корхонасидан қарзи 269.960 сўмни ташкил этган. Президентимизнинг 2005 йил 11 февралдаги **«Коммунал хизматлар тарифларининг асоссиз равишда ўсиб кетишига йўл қўймаслик ҳамда улар учун ўз вақтида ва тўлиқ ҳисоб-китоб қилиниши учун истеъмолчиларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги қарорига асосан, шартномада белгиланган муддат ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун 0,1 фоиз миқдорида устама ҳақ қўшиб ундирилиши лозим. Шу қарор асосида қарздор Д.Қўлдошевдан асосий қарзга қўшимча равишда устама ҳақ ҳам ундириш сўралган.

Суд ҳужжатларни батафсил ўрганиб, суд буйруғи билан қарздордан ундирувчи фойдасига 269.960 сўм асосий қарз, 8.099 сўм устама ҳақ ва 13.903 сўм давлат божи ундирган.

Қувасой шаҳри «Сувоқова» ишлаб чиқариш корхонасининг қарздор Соҳиб Абдураҳмоновдан қарзни ундиришни сўраб судга мурожаат қилгани ҳам шу тариқа якун топди. Аниқланишича, Қувасой шаҳри «Сувоқова» ишлаб чиқариш корхонаси ва С.Абдураҳмонов ўртасида коммунал хизматлар кўрсатиш учун шартнома тузилиб, корхона томонидан мунтазам равишда истеъмол учун ичимлик суви етказиб берилган. Аммо С.Абдураҳмонов ҳақ тўлашни ўйламай, 443.300 сўм қарз бўлиб қолган. Ҳатто унга корхона вакилининг бир неча маротаба қарзни узиш ҳақидаги мурожаати ҳам таъсир қилмаган.

Суд иш бўйича ҳужжатларни атрофлича ўрганиб, суд буйруғи билан С.Абдураҳмоновдан Қувасой шаҳри «Сувоқова» ишлаб чиқариш корхонаси фойдасига 443.300 сўм асосий қарз ва 22.165 сўм давлат божи ундирган.

Бу каби мисолларни яна келтириш мумкин. Аммо юқорида келтирилган воқеалар тафсилоти ҳам суд буйруғи институтининг суд ишларини тезкорлик билан, сифатли ҳал этишда муҳим ўрин тутаётганидан далолат беради.

Абдуҳалим АХМЕДОВ,
фуқаролик ишлари бўйича Фарғона вилояти судининг раиси

Qonun ko`magi

Тадбиркорларга яратилган катта қулайлик

Мамлакатимизда иқтисодиётни эркинлаштириш ва тадбиркорликни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар самарасида мулкдорлар сафи тобора кенгайиб, аҳоли турмуш фаровонлиги янада ошиб бораётир.

Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 19 мартда қабул қилинган **«Адлия органларида махсус «ишонч телефони»** ташкил этиш тўғрисида»ги қарори мазкур йўналишдаги яна бир муҳим қадам бўлди. Ушбу қарор асосида Адлия вазирлигида, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармаларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларидан уларнинг қонуний ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини таъминлаш масалалари бўйича аризалар, таклифлар ва шикоятларни қабул қилиш учун телефон алоқасининг махсус линияси — «Ишонч телефони» ташкил этилди.

Айтиш керакки, ушбу «Ишонч телефон»лари орқали 2011 йилнинг апрель-ноябрь ойлари давомида тадбиркорлик субъектларидан жами 904 та мурожаат қабул қилинди.

Бундан ташқари жорий йилнинг апрель-ноябрь ойлари давомида келиб тушган мурожаатларни ўрганиб чиқиш жараёнида керакли маълумотларни талаб қилиб олиш учун турли ташкилотларга 205 та сўров хатлари юборилди, аниқланган қонунбузилишларнинг олдини олиш ва айбдор мансабдор шахсларни жавобгарликка тортиш мақсадида 67 та тақдимнома, 64 та огоҳнома ва кўрсатмалар, судларга 160 та даъво аризаси киритилиши таъминланди. Қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйган мансабдор шахсларга нисбатан расмийлаштирилган 16 та маъмурий баённома судларга юборилди.

Масалан, Сурхондарё вилояти адлия бошқармаси «Ишонч телефони»га «Термиз акфа сервис» МЧЖ раҳбари О.Жумақулов 2011 йил 23 август куни мурожаат қилиб, ОАТБ «Агробанк»нинг Қумқўрғон тумани филиали томонидан 50 миллион сўм кредит ажратиб берилмаётганлигини билдирган.

Мазкур мурожаат адлия идораси томонидан ўрганиб чиқилганда, МЧЖ билан банк ўртасида 2011 йил 20 май куни ишлаб чиқаришни ташкил этиш мақсадида асбоб ва ускуналар сотиб олиш учун 50 миллион сўм кредит ажратиш тўғрисида 352-сонли кредит шартномаси тузилган бўлса-да, банк томонидан кредит маблағи ажратиб берилмаётганлиги аниқланди.

Мазкур ҳолат юзасидан Сурхондарё вилояти адлия бошқармаси томонидан кредит шартномасини асл ҳолича бажариш мажбуриятини юклаш ва пеня ундириш юзасидан 2011 йил 13 сентябрь куни Сурхондарё вилояти хўжалик судига даъво аризаси киритилди. Суднинг 2011 йил 11 октябрдаги ҳал қилув қарори билан «Агробанк»ка кредит шартномасини асл ҳолича бажариш мажбурияти юкланди ва банк ҳисобидан «Термиз акфа сервис» МЧЖ фойдасига 4 900 000 сўм пеня ундирилиши белгиланди.

Хулоса қилиб айтганда, «Ишонч телефони» тадбиркорларга яратилган катта қулайлик бўлиб, бу имкониятдан самарали фойдаланиш уларнинг фаолияти янада равнақ топишига, пировардида, мамлакатимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигига хизмат қилади.

Отабек НЕГМАТОВ,
Адлия вазирлиги масъул ходими

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг 20 йиллиги олдидан

Элу юртимиз тинчлиги ва хавфсизлигининг мустаҳкам қалқони

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Ҳарбий қисм ва билим юртларида ўтказилаётган маънавий-маърифий тайёргарлик машғулотларининг янада такомиллаштирилгани, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирокида турли тадбир ва давра суҳбатларининг мунтазам ташкил этилаётгани ҳарбийларнинг маънавий савияси ва интеллектуал салоҳиятини янада юксалтириш, дунёқарашини кенгайтиришда алоҳида аҳамият касб этмоқда. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, армиянинг қудрати фақатгина унинг жанговар тайёргарлиги, ҳаракатчанлиги, энг янги қурол-яроғларга эгалиги билан эмас, балки Қуролли Кучларимиз сафлари профессионал тайёргарликка эга бўлган шахсий таркиб билан қай даражада тўлдирилгани, офицер, сержант ва аскарларнинг маънавий, ахлоқий-руҳий фазилатлари, уларнинг фаол ҳаётий позицияси ва қатъий эътиқоди, она-Ватан тақдири учун масъулият ҳиссининг нақадар юксак экани билан белгиланади.

Миллий армиямизда рўй берган ўзгариш ва янгиланишларни истиқлол йилларида ҳарбий таълим тизимида амалга оширилган ишлар мисолида ҳам кўриш мумкин.

Бугунги кунда Мудофаа вазирлигининг олий ҳарбий таълим муассасаларида Қуролли Кучларимиз учун йигирмадан ортиқ йўналиш бўйича юқори малакали офицер кадрлар тайёрланмоқда. Мустақиллик йилларида давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан бир қатор ҳарбий таълим муассасалари, жумладан, Қуролли Кучлар академияси, Жиззах олий ҳарбий авиация билим юрти, Тошкент ахборот технологиялари университетида махсус факультет ҳамда ҳарбий округларда сержантлар тайёрлаш мактаблари ташкил этилди.

Айни чоғда мавжуд таълим муассасалари фаолиятини такомиллаштириш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасидаги ишлар изчил давом эттирилмоқда. Миллий истиқлол ғоялари асосида ташкил этилаётган ўқув жараёнларида ахборот технологиялари, моделлаштириш ва симуляция усуллари ҳамда ўқитишнинг янги методларидан кенг фойдаланилмоқда. Офицер ва сержант кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш, интеллектуал жиҳатдан етук, стратегик фикрлай оладиган офицер кадрлар, шунингдек, қўл остидаги бўлинмаларни самарали бошқаришга қодир профессионал сержантларни тайёрлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Олий таълим муассасаларидаги олий ва малака ошириш курслари ҳамда услубий марказларда ҳарбийларимиз ўз билим ва тажрибасини бойитмоқда.

Замонавий профессионал армияни шакллантиришнинг энг муҳим мезонларидан бири — ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлаш ва улар орасидан энг муносибларини танлаб олишдир.

Мамлакатимиздаги касб-ҳунар коллежларида чақирувгача бошланғич тайёргарлик дарслари ўтказилаётгани, Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг жойлардаги мактабларида чақирилувчиларга ҳарбий-техник мутахассисликлар бўйича таълим берилаётгани ва бошқа кўрилаётган чора-тадбирлар Қуролли Кучларимиз шахсий таркибини ҳарбий хизмат ҳақида етарлича билим, тасаввур ва кўникмага, муайян касбга эга бўлган ёшлар билан тўлдириш имконини бераётир.

Йигитларни ҳарбий хизматга тайёрлаш ишларини янада яхшилаш, жойлардаги мудофаа ишлари бошқарма ва бўлимлари фаолиятини талаб даражасига етказиш ва уларни жиҳозлаш, чақирилувчиларнинг оилавий шароити, хизматга тайёргарлигини ўрганиш ҳамда йигитларни сифатли тиббий кўрик, холис синов ва танловлардан ўтказишга катта эътибор қаратилаётгани натижасида чақирув билан боғлиқ ишлар сифати ва самарадорлиги ошди. Чақирув комиссиялари таркибига маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, жамоатчилик, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, хотин-қизлар қўмитаси, «Нуроний» ва «Маҳалла» жамғармаларининг вакиллари киритилгани фуқароларни муддатли ҳарбий хизматга саралаб олиш учун ўтказилаётган танловларда ошкоралик тамойиллари ва самарали жамоатчилик назоратини таъминламоқда.

Муддатли ҳарбий хизматдан билим ва тафаккури бойиб, чиниқиб қайтаётган йигитлар турли соҳаларда меҳнат қилмоқда. Бу миллий армиямиз ёшларни баркамол инсон сифатида вояга етказадиган том маънодаги ҳаёт мактабига айланганидан далолат беради. Энг асосийси, йигитлар ҳарбий хизматдан аниқ мақсад ва режалар билан қайтмоқда, ҳаётда ўзларининг муносиб ўрнини топмоқда.

Дарҳақиқат, Президентимиз раҳнамолигида миллий армиямизни шакллантириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар доирасида ҳарбий хизматни ўтаб қайтган фарзандларимизни, эл-юртимиз тинчлиги ва осойишталиги йўлида хизмат қилаётган ўғлонларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Миллий армиямиз сафлари эса, ана шу эътибор ва ғамхўрликни, мустақилликни, тинчликни қадрлайдиган, мард ва жасур, ўз кучи ва салоҳиятига ишонган йигитлар ҳисобига бойимоқда. Зеро, бундай хислатларга эга Ватан ҳимоячилари халқимизнинг тинч ҳаёти, хавфсизлиги ва фаровонлигини таъминлашнинг ишончли кафолатидир.

Муаттархон РЎЗИБОЕВА

Мамлакатимиз сарҳадлари ишончли ҳимоя қилинмоқда

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Миллий армиямизда босқичма-босқич амалга оширилган ислоҳотлар натижасида барча талабларга жавоб берадиган чегара хизмати шакллана бошлади. Чунончи, янги чегара постлари қурилди, алоҳида мотоманёвр бригадалари ташкил этилди, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси аэропортларини ҳимоя қилиш, моддий-техник таъминотни яхшилаш, кадрлар малакасини такомиллаштиришга доир ишлар амалга оширилди.

— Мамлакатимиз сарҳадларини қўриқлаётган бўлинмада хизмат қилиб, Ўзбекистон чегарасини бузиб ўтишга бўлган ҳар қандай уринишларнинг олдини олишга доир вазифаларни бажармоқдамиз, — дейди Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати чегара қўшинлари гуруҳининг энг яхши мутахассисларидан бири, 2009 йилда «Жасорат» медали билан мукофотланган Амиршод Камолов. — Давлат чегаралари муқаддас ва дахлсиздир, биз, чегарачилар ҳар қандай об-ҳаво ва ҳар қандай вазиятда сарҳадларимизни ҳимоя қилиш учун жонимизни ҳам фидо қилишга тайёрмиз.

Таъкидлаш керакки, аксарият чегарачилар шартнома асосида хизмат қилаётир. Бу профессионал армияни шакллантириш, армияда йигитлик бурчини ўтаган ёшларни давлатимиз чегараларини қўриқлаш ишига жалб қилиш борасидаги муҳим қадамдир. Қоракўл туманида туғилган кичик сержант Аҳмад Шукуров Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати чегара қўшинлари мутахассисларидан бири. У Қоракўлдаги Бухоро давлат университетига қарашли 3-академик лицейни тамомлагач, армия сафига чақирилди. 2001 йилдан буён Миллий хавфсизлик хизмати чегара қўшинларида шартнома асосида хизмат қилмоқда.

— Болалигимданоқ ҳарбий бўлишни орзу қилардим, — дейди Аҳмад Шукуров. — Негаки, ҳарбийлар оиласида туғилганман, ватанпарварлик, она-юртга муҳаббат руҳида тарбия олганман. Отамни, кейинчалик эса, акамни ҳарбий кийимда кўриб, уларнинг изидан боришга қатъий қарор қилдим. Бунинг учун спорт билан астойдил шуғулландим, кураш сирларини ўргандим. Фанларни яхши ўзлаштиришга ҳаракат қилдим. Лицейда мантиқий фикрлашни ривожлантиришга ёрдам берадиган физика ва математикани чуқур ўргандим. Ҳарбий ишда бу — муваффақият қозонишнинг асосий омилларидан биридир.

Аҳмад Шукуровнинг ўз мақсади йўлидаги интилишлари муносиб баҳоланди. У 2006 йили «Энг яхши сержант» республика кўрик-танловида биринчи ўринни эгаллади. 2008 ва 2010 йилда энг яхши гуруҳ командирларидан бири бўлди ҳамда кейинчалик аъло хизматлари учун бир неча бор мақтов ёрлиқлари билан тақдирланди. Аҳмад Шукуров билан бирга Ватанимиз, халқимиз учун хизматга шай кўплаб йигитлар хизмат қилаётир. Буларнинг барчаси мамлакатимиз сарҳадларини жисмонан ва руҳан бақувват, азму шижоати юксак мард йигитлар ҳимоя қилаётганидан далолатдир.

...Чегарачилар отларни эгарлаб, хизматга шошилмоқда. Бу ерда отлар чегарачилар учун энг ишончли ёрдамчи ва яқин дўстдир. От минган чегарачилар автомобиль юролмайдиган ҳар қандай йўллар, ўт-ўлан босган дарё қирғоқларидан бемалол ўта олади.

— Техника қанчалик ривожланмасин, чегарада жониворлар хизматига доимо эҳтиёж сезилади, — дейди Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати чегара қўшинлари мутахассиси Асомиддин Алиёров. — Чегарачилар отда кунига ўртача 60 чақирим йўлни босиб ўтади. Ҳар куни ўзимнинг «Юлдуз» лақабли отимда чегара ҳудудларини айланиб чиқаман. Мен учун бу ҳақиқий бахт, негаки, болалигимда чегара яқинида яшаганман ва ҳар доим от минган чегарачиларни кўрганимда, улардай бўлишни орзу қилардим.

...Оқшом чўкди. Бу пайтда кун бўйи иш билан машғул бўлган барча одамлар уйига ошиқади. Бироқ мустақил Ўзбекистон чегараларини қўриқлашдек юксак ишонч билдирилган чегарачилар огоҳликни янада кучайтирган ҳолда, янги куч-ғайрат билан хизматга киришдилар. Биз Тошкентга мамлакатимиз сарҳадлари қўриқчилари билан ўтган учрашувлардан катта таассурот олган ҳолда қайтдик. Уларнинг маҳорати, мардлиги ва ўз бурчини янада мукаммал адо этишга интилиши мамлакатимиз чегараларида замонавий таҳдидлар йўлига ишончли тўсиқ қўйилганига бўлган ишончимизни янада оширди.

Сардор ТОЖИЕВ,
ЎзА мухбири

Юртимизда иқтисодиётнинг муҳим бўғини бўлган тадбиркорлик соҳасини ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётир. Бу борада олиб борилаётган ислоҳотларнинг самараси яна шунда кўринадики, тадбиркорлик соҳаси турмушимизда тобора кенг қамров касб этаётир. Хусусан, 2011 йилда иш билан банд аҳолининг 74 фоизи айни шу соҳага тўғри келгани ҳам фикримизнинг ёрқин исботидир.

Saboq

Кредит

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳақида гап кетганда, ушбу соҳа ривожида муҳим ўрин тутувчи омилларга тўхталиб ўтиш жоиз. Жумладан, банклар томонидан ажратилаётган кредитлар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолияти тараққий этишида катта аҳамиятга эга. Бироқ кредит тўҳфа эмас, унинг ўзига хос масъулияти бор. Бошқача айтганда, кредит шартномасида белгиланган талабларга амал қилиш ривожланиш шартларидан бири бўлса, бепарволик, лоқайдлик туфайли ушбу шартлар ижросига беписандлик билан қараш ҳам изсиз кетмайди.

Шу ўринда амалдаги қонунларда кредит шартномаси билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий меъёрлар ўз ифодасини топгани, чунончи, кредит шартномасидан келиб чиқадиган мажбуриятлар ижросини таъминлаш усули ҳисобланган кафиллик, гаров шартномалари ва кафолатдаги тарафлар ҳамда учинчи шахслар ўртасидаги ҳуқуқий муносабатлар Фуқаролик кодекси, **«Гаров тўғрисида»**, **«Ипотека тўғрисида»**ги қонунлар, банклар ва банк фаолияти тўғрисида қонун ҳужжатлари, Олий суд ва Олий хўжалик суди Пленумининг 2006 йил 22 декабрдаги **«Кредит шартномаларидан келиб чиқадиган мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш тўғрисидаги фуқаролик қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида»**ги қўшма қарори сингари ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинишини таъкидлаш жоиз.

Маълумки, банк ёки бошқа кредит ташкилоти билан қарз олувчи ўртасида тузилган кредит шартномасида кредит ташкилотининг кредит бериш мажбурияти ва қарз олувчининг кредитни қайтариш ҳамда фоизларни тўлаш мажбурияти ўз ифодасини топади.

Афсуски, ҳаётда бундай муҳим масалаларга бепарволик билан қарайдиган, зиммасидаги масъулиятни унутадиган кимсалар ҳам учраб туради. Масалан, даъвогар «Тадбиркор инвест кичик кредит ташкилоти» МЧЖнинг жавобгарлар Г.Авезова ва Ж.Серимбетовларга нисбатан кредит қарзини ундириш ҳақидаги даъво аризасида ана шундай масала баён этилган.

Аниқланишича, МЧЖ томонидан жавобгар Г.Авезовага 2008 йил 24 декабрдаги 971-сонли кредит шартномасига асосан йиллик 30 фоиз билан бир йил муддатга 1 миллион сўм кредит ажратилган, кредит таъминоти сифатида 2008 йил 24 декабрдаги кафиллик шартномасига асосан Ж.Серимбетов кафил бўлган, шартноманинг муддати 2009 йил 29 декабрда тугаши белгиланган. Лекин жавобгарлар 286.000 сўм асосий қарзни қайтаришмаган.

Суднинг ҳал қилув қарори билан даъво аризаси қаноатлантирилиб, унда МЧЖ фойдасига жавобгарлардан 286.000 сўм асосий қарз ва 62.000 сўм пеня ундирилиши белгиланди.

Yangi qonun mohiyati

Такомиллаштирилаётган қонунчилик

инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясига хизмат қилмоқда

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Давлатимиз томонидан олиб борилаётган бундай кенг кўламли ислоҳотлар натижасида қонунчилигимиз ҳам тобора такомиллашиб бораётир. Жумладан, иқтисодиёт соҳасидаги, айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган қонун ҳужжатлари, жумладан, Концепцияда илгари сурилган ва ўтган даврда қабул қилинган қонунлар ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар юқорида қайд этилган вазифаларни амалга оширишнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштиришга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Олий Мажлис Сенатининг 2011 йил 5 декабрдаги еттинчи ялпи мажлисида маъқулланган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги қонун ҳам ана шу ҳаётий талаб асосида **«Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили»** Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан ишлаб чиқилди.

Ушбу қонунни қабул қилишдан кўзланган асосий мақсад — кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасидаги ҳуқуқий муносабатлар яхлит ва тизимли тартибга солинишини таъминлаш, ҳозирги талабларга жавоб бермайдиган, эскирган меъёрларни қайта кўриб чиқиш ва бекор қилишдан иборатдир. Ушбу қонун билан Жиноят-процессуал кодексининг 285-моддаси, Фуқаролик кодексининг 137-моддаси, 512-моддаси биринчи қисми, 1056-моддаси еттинчи қисмининг ўзбек тилидаги матнларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Мисол учун Фуқаролик кодексининг 512-моддаси рус тилидаги матни билан ўзбек тилидаги матни ўртасидаги мавжуд тафовутлар бартараф этилди.

Таъкидлаш жоизки, қонунчиликнинг такомиллаштирилиши ҳақида гап кетганда, **«Қишлоқ хўжалиги корхоналарини санация қилиш тўғрисида»**ги қонунга киритилган ўзгартиришларга ҳам тўхталиб ўтиш керак. Маълумки, ушбу қонуннинг 13-моддасига мувофиқ, қишлоқ хўжалиги корхонасини санация қилиш йигирма тўрт ой муддатгача жорий этилади. Аммо қонунда судгача санация қилиш муддатини узайтириш назарда тутилмаган. Ҳолбуки, **«Банкротлик тўғрисида»**ги қонуннинг 161-моддасида судгача санация қилиш муддати мобайнида табиий офатлар ва бошқа форс-мажор ҳолатлар туфайли қишлоқ хўжалиги корхонасининг ишлаб чиқаришида пасайиш ва молиявий аҳволида ёмонлашиш содир бўлса, судгача санация қилиш муддати ўн икки ойга узайтирилиши мумкинлиги қайд қилинган. Шу сабабли **«Қишлоқ хўжалиги корхоналарини санация қилиш тўғрисидаги»** қонуннинг 13-моддасига киритилаётган қўшимчага биноан, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ушбу муддатнинг ўн икки ойга узайтирилишига йўл қўйилади.

Қонунчилигимиздаги бундай такомиллаштириш мавжуд нуқсонларни бартараф этиш баробарида, табиийки, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини тўлиқ ҳимоя этишга хизмат қилади. **«Хўжалик юритувчи субъектлар фалиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»**, **«Маданий бойликларнинг олиб чиқилиши ва олиб кирилиши тўғрисида»**, **«Психиатрия ёрдами тўғрисида»**, **«Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»**, **«Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»**, **«Риэлторлик фаолияти тўғрисида»**ги қонунларга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин.

Мухтасар қилиб айтганда, мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлардан кўзланган асосий мақсад — халқимиз турмуш фаровонлиги ҳамда ватанимизнинг тараққиётига эришишдан иборатдир. Зеро, қонунчилигимиздаги бундай ислоҳотлар мамлакатимизда кучли фуқаролик жамиятига асосланган ҳуқуқий демократик давлат қуриш бўйича ўз олдимизга қўйган юксак тараққиёт марраларига эришиш йўлидаги муҳим қадамлардан биридир.

Отабек МИРЗАЕВ,
Рустам ГИЁСОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти етакчи илмий ходимлари

Qaror va ijro

Бағрикенглик эзгуликка йўл очади

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Буни қарангки, Инобат таниши И.Мирзаеванинг уй сотиб олиш ниятида пул жамғариб юрганини эшитиб, кутилмаганда, фикри бузилди. «Яқинда уйимиз менинг номимга ўтади, — деб алдади у И.Мирзаевани. — Ўшанда уйни сизга арзон нархда сотаман. Ҳозирча бўнак бериб турсангиз бўлди».

Бу гапга чиппа-чин ишонган И.Мирзаева тежаб-тергаб йиққан 17 миллион 700 минг сўмни Инобатнинг қўлига қандай тутқазиб юборганини ўзи ҳам билмай қолди.

Хотинининг қинғир йўл билан пул топганини эшитган Ахтам уни бу йўлдан қайтариш ўрнига ўзи ҳам унга шерик бўлди. Улар яна И.Мирзаеванникига бориб, арзон баҳода АҚШ доллари борлигини айтишади. Ҳали ҳам фириб тузоғига тушганини англаб етмаган И.Мирзаева 1 миллион 80 минг сўмни санаб беради. Нопок мақсадига эришган Ахтам билан Инобат эса, бу пулларни ўзларининг эҳтиёжлари учун сарфлаб юборишади.

Ҳар бир нарсанинг ниҳояси бор, деганларидек, кун келиб фирибгарларнинг қилмишлари ҳам ошкор бўлиб қолди. Дастлабки тергов идораси томонидан И. Қўзиева Жиноят кодексининг 168-моддаси 3-қисми «а» банди, А. Қўзиев эса Жиноят кодексининг 168-моддаси 2-қисми «в» банди билан айбдор деб топилди.

Фақат Олий Мажлис Сенатининг 2011 йил 5 декабрдаги **«Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн тўққиз йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»**ги қарори уларнинг жонига ора кирди. Судланувчилар судга ариза билан мурожаат қилиб, қилмишларидан чин кўнгилдан пушаймон эканликларини билдиришди ва юқорида қайд этилган амнистия қарори асосида ўзларига нисбатан юритилган жиноят ишини тугатишни сўрашди.

Суд жиноят иши материалларини ўрганиб чиқиб, судланувчи И.Қўзиева амнистия актининг 1-банди «а» кичик банди ва 7-банди, судланувчи А.Қўзиев 2, 7-бандлари таъсир доирасига тушганини инобатга олди ҳамда Жиноят-процессуал кодексининг 84-моддаси 1-қисми 2-бандига биноан судланувчиларга нисбатан ишни уларнинг айблилик масаласини ҳал қилмасдан туриб, иш юритувидан тугатиш тўғрисида ажрим чиқарди.

Гувоҳи бўлганингиздек, қонунларимизда ўз ифодасини топган инсонпарварлик, адолатпарварлик тамойиллари, хусусан, Олий Мажлис Сенатининг 2011 йил 5 декабрдаги **«Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн тўққиз йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»**ги қарори нафс йўриғига юрган кишиларнинг тўғри йўлга тушиб олиши учун имкон берди. Энди улар бу имкониятдан тўғри сабоқ чиқаришлари зарур.

Ўткир ҲАЙДАРОВ,
жиноят ишлари бўйича Зарафшон шаҳри судининг судьяси
Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,
«Куч — адолатда» мухбири

Islohot va samara

Фуқароларнинг қонуний манфаати устувордир

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Шу маънода апелляция институтининг жорий этилиши юқори босқич судлари томонидан суд қарорлари, шикоят ва протестда келтирилган далилларни ҳар томонлама текшириш, қўшимча далил, ҳужжат ва ҳолатларни баҳолаш имкониятини бериб, фуқароларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш кафолатини янада кучайтирди.

Фуқаролик ишлари бўйича Навоий вилояти суди томонидан 2011 йилда одил судловни амалга ошириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, ягона суд амалиётини шакллантириш, апелляция, кассация ва назорат инстанцияси судларининг фаолиятини янада яхшилаш, судьялар ва суд ходимлари билан ўтказиладиган семинар машғулотларининг самарасини ошириш борасида ҳам муайян ишлар олиб борилди.

Айтиш керакки, 2011 йилда фуқароларнинг ишга тиклаш, мажбуран бекор юрган вақти учун иш ҳақи ундириш тўғрисидаги даъволари бўйича ҳал қилув қарори чиқарилган 63 та фуқаролик иши юзасидан 29 та даъво қаноатлантирилди.

Мисол учун айтадиган бўлсак, даъвогар М.Аҳроқулова судга мурожаат қилиб, иш берувчининг 2011 йил 4 апрелдаги буйруғи билан Нурота туманидаги 7-сонли таълим мактаби директорининг маънавий ва маърифий ишлар бўйича ўринбосари вазифасидан озод этилгани, аммо бунинг учун касаба уюшмасининг розилиги олинмаганлигини таъкидлаб, иш берувчининг у билан меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги буйруғини бекор қилиш ҳамда ўз вазифасига ишга тиклаш, мажбуран бекор юрган вақти учун иш ҳақи ва маънавий зарар ундириб беришни сўраган.

Суд ҳужжатларидан кўринишича, туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимининг 2011 йил 4 апрелдаги буйруғига кўра, тумандаги 7-умумий ўрта таълим мактабининг маънавий ва маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари билан меҳнат шартномаси Меҳнат кодексининг 100-моддаси 2-қисми 4-бандига мувофиқ бекор қилинган. Мазкур буйруқнинг чиқарилишига иш берувчининг 2011 йил 30 мартдаги 93-КХ сонли огоҳлантириш хати асос бўлган.

Даъвогар билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишга розилик бериш тўғрисидаги туман халқ таълими мудирининг тақдимномасини туман халқ таълими бўлими касаба уюшмасининг 2011 йил 26 мартдаги 5/3 сонли йиғилишида кўриб чиқишда шу туман халқ таълими бўлими мудири ҳам касаба уюшмасининг аъзоси сифатида иштирок этган. Ҳолбуки, туман халқ таълими бўлими мудири бир пайтнинг ўзида иш берувчининг вакили бўлиб, ходимларнинг манфаатларини ҳимоя қилувчи касаба уюшмасининг аъзоси сифатида қатнашиши ғайриқонунийдир ва бундай ҳолатда унинг овоз бериши ҳам ҳуқуқий оқибатни келтириб чиқармайди.

Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Уставининг 5.7-бандига кўра, сайланувчи органларнинг йиғилишлари унда ярмидан кўп сайланувчи орган аъзолари иштирок этган тақдирда ҳуқуқли ҳисобланади.

Юқоридаги ҳолатда йиғилишда кўпчилик иштирок этмаган. Бу меҳнат шартномасини бекор қилишга асос бўла олмайди.

Фуқаролик ишлари бўйича Навбаҳор туманлараро судининг 2011 йил 13 июлдаги ҳал қилув қарорига кўра, М.Аҳроқулованинг даъво талаблари қаноатлантирилиб, у тумандаги 7-умумий ўрта таълим мактаби директорининг маънавий ва маърифий ишлар бўйича ўринбосари вазифасига тикланди. Мажбуран бекор юрган вақти учун моддий ва маънавий зарар ундирилди.

Апелляция инстанцияси суди аниқланган иш ҳолатларидан келиб чиқиб, биринчи инстанция судининг М.Аҳроқулова билан меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги иш берувчининг буйруғини бекор қилиш, уни ўз вазифасига ишга тиклаш тўғрисидаги хулосасини асосли деб топди ва суднинг мазкур ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдирди.

Мухтасар қилиб айтганда, суд ҳокимияти умуминсоний тамойилларга асосланади, уларга кўра, инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати олий қадрият ҳисобланади. Конституциямизда ҳам ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органларининг, мансабдор шахсларнинг, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланиши белгиланган.

Суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотларнинг мақсади — Конституциямиз, қонунларимиз ва умумэътироф этилган халқаро меъёрларда мустаҳкамланган инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, унинг ҳаёти, дахлсизлиги, қадр-қиммати ва бошқа қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг самарали механизмларини шакллантиришга қаратилгандир.

Ихтиёр ҚОСИМОВ,
фуқаролик ишлари бўйича Навоий вилояти суди раисининг ўринбосари

Маълумки, якка тартибда қурилган уй жойлар хусусий мулк сирасига киради. Бундай уйга бўлган мулк ҳуқуқи, унинг вужудга келиш тартиби, уйни тасарруф этиш қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Fuqarolik qonunchiligi

Уй-жойга эгалик ҳуқуқи

суд томонидан эътироф этилади ва муҳофаза қилинади

Дарҳақиқат, бошқа соҳалар сингари фуқаролик муносабатлари ҳам қонун доирасида ҳал этилади. Муҳими, ҳар бир ишни қонунга риоя этган ҳолда амалга ошириш лозим. Ана шундагина турли оворагарчиликларга ўрин қолмайди.

Масалан, А.Маликова 1961 йилда Х.Тожибоевдан Самарқанд шаҳри «Бухоро» кўчасида жойлашган 71-уйни сотиб олган. Аммо орадан эллик йилга яқин вақт ўтса-да, бу уйнинг олди-сотди шартномасини нотариал тартибда расмийлаштиришни хаёлига келтирмаган. Уйнинг собиқ эгаси эса, вафот этган.

А.Маликова уй-жойга кўчиб ўтгач, уйни бир неча марта таъмирлаган. Табиийки, фойдаланилган табиий газ, электр энергияси, сув ҳақи ва бошқа тўловларни ўз вақтида тўлаб келган. Бироқ, юқорида айтилганидек, уйнинг олди-сотди шартномаси қонунда белгиланган тартибда расмийлаштирилмаган.

(Давоми тўртинчи бетда)

Muloqot

Газетхон савол беради...

— Ҳаётда ҳар бир киши ўзига тегишли бўлган мол-мулкни фарзандларига, қариндошлари ёки ўзи истаган бошқа инсонларга мерос қилиб қолдиришни хоҳлайди. Айтинг-чи, мерос қай тартибда меросхўрларга қолдирилади?

Д.ОРТИҚОВА,,
Тошкент вилояти

Фуқаролик кодексининг 112-моддасига кўра, фуқаронинг ўзига тегишли мол-мулкни ёки бу мол-мулкка нисбатан ҳуқуқни вафот этган тақдирда тасарруф этиш борасидаги хоҳиш-иродаси васият, деб эътироф этилади.

Фуқаро ўзининг барча мол-мулкини ёки унинг муайян қисмини қонун бўйича меросхўрлар доирасига киритиб, шунингдек, кирмайдиган бир ёки бир неча шахсга, шу билан бирга юридик шахсларга, давлатга ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига васият қилиши мумкин. Васият қилувчи қонун бўйича меросхўрлардан биттасини, бир нечтасини ёки ҳаммасини изоҳ бермаган ҳолда меросдан маҳрум қилишга ҳақли.

Мерос қолдирувчи васиятнома тузилганидан кейин уни истаган пайтда бекор қилиш ва ўзгартириш борасида эркин бўлиб, бунда бекор қилиш ёки ўзгартириш сабабларини кўрсатишга мажбур эмас.

Ворислик қонун ва васиятнома бўйича амалга оширилади. Қонун бўйича ворислик васият мавжуд бўлмаса ёки бутун меросни тақдирини белгиламаса, амалга оширилади. Фуқаро вафот этиб, унинг ўлими кунида унга эгалик ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат асосида тегишли бўлган мулкига нисбатан мерос очилади. Ворислик нотариал тартибда тасдиқланганлиги сабабли, нотариус, биринчи навбатда, вафот этган фуқаро ўз номидан ўзининг мулкига васиятнома қолдирган ёки қолдирмаганлигини текширади.

Саволга Учтепа тумани 7-сонли давлат нотариал идораси нотариуси Одил МУСАЕВ жавоб берди.

Jinoyat va jazo

Инсон шаъни — дахлсиз

бинобарин, унга путур етказиш энг оғир жиноятдир

Ҳуқуқий-демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида собитқадамлик билан илгарилаётган, барча соҳаларда кенг кўламли ислоҳотлар изчиллик билан амалга оширилаётган мамлакатимизда инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Зотан, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсизлигини таъминлаш ҳуқуқий демократик давлатнинг энг муҳим белгисидир.

Дарҳақиқат, Асосий қонунимизда инсоннинг энг устувор ҳуқуқлари қатъий белгилаб қўйилган. Чунончи, Конституциямизнинг 24-моддасига кўра, **«Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир»**, 25-моддасига биноан, **«Ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга. Ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмас»**.

Айтиш керакки, истиқлолнинг ўтган даврида юртимизда эълон қилинган «Оила йили», «Она ва бола йили», «Соғлом авлод йили», «Инсон манфаатлари йили», «Қарияларни қадрлаш йили», «Ёшлар йили» ва шу муносабат билан қабул қилинган, ижроси изчил таъминлаб келинаётган Давлат дастурларининг энг умумий хусусияти уларда инсон омилининг улуғланганидир, десак, айни ҳақиқатни эътироф этган бўламиз.

(Давоми тўртинчи бетда)

шартномаси ижроси

томонлар манфаатига хизмат қилади

Юқорида номи қайд этилган қўшма Пленум қарорида олинган кредит маблағлари ва банк фоизлари ўз вақтида қайтарилмаганида, шартнома шартлари жиддий равишда бузилганида ёки вазият жиддий ўзгарганида, шунингдек, қонун ёки шартномада назарда тутилган бошқа ҳолатларда кредит шартномаси суд тартибида тарафлардан бирининг талаби билан ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкинлиги белгиланган.

Даъвогар Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий бошқармаси ОАЖ «Асака» банкининг Қорақалпоғистон филиали манфаатини кўзлаб жавобгарлар «Насиба Хўжайли» хусусий корхонаси ва К. Сеитовга нисбатан кредит шартномасини бекор қилиш ва кредит пулларини ундириш ҳақидаги даъво аризаси билан фуқаролик ишлари бўйича Нукус туманлараро судига мурожаат қилди.

Маълум бўлишича, ОАЖ «Асака» банкининг Қорақалпоғистон филиали томонидан жавобгар «Насиба Хўжайли» хусусий корхонасига 2010 йил 18 майдаги 16-сонли кредит шартномасига асосан озиқ-овқат маҳсулотларини сотишни ташкиллаштириш учун йиллик 18 фоиз

билан бир йил муддатга 9.500.000 сўм кредит ажратилган, кредитнинг қайтарилишини таъминлаш мақсадида К.Сеитовга тегишли бўлган хусусий дўкон гаровга қўйилган. Шунингдек, шартномада асосий кредит суммаси ва ҳисобланган фоизларни тўлаб бориш муддатлари аниқ кўрсатилган бўлса-да, жавобгар ушбу талабларга амал қилмаган.

Суднинг 2011 йил 11 апрелдаги ҳал қилув қарори билан даъво аризаси тўлиқ қаноатлантирилиб, тарафлар ўртасида тузилган 2010 йил 18 майдаги 16-сонли кредит шартномаси бекор қилинди ҳамда даъвогар ОАЖ «Асака» банкининг Қорақалпоғистон филиали фойдасига жавобгар «Насиба Хўжайли» хусусий корхонасидан 9.500.000 сўм асосий қарз ва 600.000 сўм пеня ундирилди.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, шартнома тарафларнинг ўзаро келишуви ва розилиги асосида қонуний тузилдими, демак, албатта, бажарилиши шарт. Ана шундагина, шартномадан кўзланган мақсадга эришилади. Аксинча, кредит шартномаси шартлари бажарилмай қоғозда қолиб кетадиган бўлса, у ҳолда айбдор тараф қонуний тартибда жавоб беришга мажбур бўлади. Шундай экан, ҳар ким ўз ишига масъулият билан ёндашиши мақсадга мувофиқдир.

Азамат БАЙМУРАТОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Олий судининг судьяси

Hikmat

ДОНОЛАР ДЕЙДИЛАРКИ...

Комил инсон ҳамманинг камолотга етиши учун қайғуради.

* * *

Кейинги пушаймон, ўзингга душман.

* * *

Ақл қувватни оромдан эмас, машқдан олади.

* * *

Яхши фазилат бутун умрга етадиган бойликдир.

* * *

Буюкликка энг яқини ҳалолликдир.

* * *

Меъёридан ошса, ҳар қандай фаолият фойдадан кўра, кўпроқ зарар келтиради.

* * *

Ақлга нисбатан феъл-атвор одамларни кўпроқ яқинлаштиради.

* * *

Сабр қилиб, шошмаган киши орзусига етади.

* * *

Яхшиликка албатта, яхшилик қайтади.

Munosabat

Оилага эътибор — келажакка эътибор

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Биргина 2010 йилнинг ўзида оила институтини қўллаб-қувватлаш мақсадида 2,5 минг ёш оилага уйжой қуриш ва уни жиҳозлаш каби масалаларни ҳал этиш учун тижорат банклари томонидан 107 миллиард 600 миллион сўмлик ипотека ва истеъмол кредитлари берилганлиги, шунингдек, 7 минг 200 дан зиёд ёш оилага бепул қорамол берилиб, шу мақсадлар учун 5 миллиард 300 миллион сўм маблағ ажратилганлигининг ўзи бу борада амалга оширилган ишларнинг миқёси нечоғлик катта эканидан далолат бериб турибди.

Ўтган йиллар давомида оилани ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асосини таъминлаш, оналик ва болаликни муҳофаза этиш, оилани мустаҳкамлаш, оила аъзоларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга доир мустаҳкам ҳуқуқий база ҳам яратилди. Хусусан, 1998 йилда Оила кодекси қабул қилиниб, унда оилани мустаҳкамлаш, оилавий муносабатларни ўзаро муҳаббат, ишонч ва ҳурмат, ҳамжиҳатлик, бир-бирига ёрдам бериш ҳамда оила олдида унинг барча аъзоларининг масъуллиги асосида қуриш, биронбир шахснинг оила масалаларига ўзбошимчалик билан аралашишига йўл қўймаслик, оила аъзолари ўз ҳуқуқларини тўсқинликсиз амалга ошириши ҳамда бу ҳуқуқларнинг ҳимоя қилинишини таъминлаш асосий вазифа сифатида белгиланди.

Президентимиз ташаббуси билан 2012 йилга **«Мустаҳкам оила йили»** деб ном берилгани оиланинг жамиятдаги нуфузини юксалтириш борасидаги ислоҳотлар ва саъй-ҳаракатларнинг мантиқий давоми бўлди. Жорий йилда ёш оилаларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларга кўмак, имтиёз ва имкониятлар яратиб бериш борасида зарур чора-тадбирларнинг амалга оширилиши бу борадаги ишларни янги мазмун билан янада бойитади.

Бу йўналишда адлия идораларининг зиммасида ҳам муҳим вазифалар бор. Ёш оилаларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш, тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришни янада такомиллаштириш зарур. Янги турмуш қуриш остонасида турган йигит-қизларга оиланинг муқаддаслиги, уни асраб-авайлаш ва мустаҳкамлаш борасида бериб келинаётган тушунтириш ишларини янада кучайтириш ҳам шулар жумласидандир. Буларнинг барчаси соғлом оилани камол топтириш, унинг ҳар жиҳатдан, яъни ҳуқуқий, ижтимоий, маънавий баркамоллигига замин яратади.

З.КАМОЛОВ,
М.ТУРСУНМЕТОВ,
Адлия вазирлиги масъул ходимлари

Maslahat

Шартнома — лафз демакдир

Маълумки, шартнома томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгиловчи қонуний ҳужжат ҳисобланади. Бинобарин, шартнома интизоми нафақат адолат ва ҳақиқат гарови, балки манфаатлар муштараклигининг ҳам кафолатидир.

Бозор иқтисодиёти шароитида шартномавий муносабатларнинг тартибга солиниши долзарб масалалардан бири саналади. Зотан, шартномаларни қонуний тартибда тузиш ва ижросини ўз вақтида бажарилишини таъминлаш иқтисодиётни ислоҳ этиш тизимидаги энг муҳим қадамлардан биридир.

Дарҳақиқат, расмий-ҳуқуқий ҳужжат мақомини олган шартномалар қонуний кучга эга. Яъни уни бажариш мажбурийдир. Фуқаролар, юридик ва жисмоний шахслар зиммасидаги масъулият — ижро интизоми талабларини тўлиқ англаб етиши ва унга қатъий риоя қилиши шарт. Зеро, шартнома ўз вақтида бажарилгандагина кутилган самарани беради.

Шу ўринда шартномани тузишда нималарга эътибор бериш керак, деган табиий савол туғилади. Биринчидан, у тарафлар манфаатига зид бўлмаслиги, амалдаги қонун ҳужжатларига мос келиши, тарафлар манфаатларини ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиши ва шартномада белгиланган мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаши лозим. Шунингдек, шартнома мажбуриятлари лозим даражада бажарилмаганда кўриладиган жавобгарлик чоралари ҳам назарда тутилиши зарур.

Бир сўз билан айтганда, шартнома ижроси тўлиқ таъминлангандагина у тарафлар фойдасига хизмат қилади. Аксинча, шартномада назарда тутилган мажбуриятлар етарли даражада бажарилмаса, низо келиб чиқади. Шартнома у ёки бу шаклда ҳар биримизнинг ҳаётимизда учрагани учун бу борадаги қонун талабларини ҳам билиб қўйиш фойдадан холи бўлмайди.

Дилором ОХУНЖОНОВА,
Юнусобод тумани 8-сонли давлат нотариал идораси нотариуси

Sirli olam

Хотира ғаройиботлари

(Охири. Боши ўтган сонларда)

Хотира, унинг қаърида кўмилиб ётган сир-синоатлар ҳақида фикр юритганда, шундай савол туғилади: нега баъзи нарсаларни осонгина эслаймиз-у, бошқасини ёдга келтириш учун қийналамиз? Бу савол барчани қизиқтириши табиий ҳол.

Буюк кишиларнинг ҳаёти уларнинг қарийб барчаси кучли хотирага эга бўлганидан далолат беради, деб аввалги суҳбатларимизда айтиб ўтгандик. Ҳайратланарли томони шундаки, буюк олимларнинг аксарияти ўз хотирасининг унутиш хусусиятини кўпроқ қадрлашган. Жумладан, француз мутафаккири Жан-Жак Руссо "Тавба" асарида шундай ёзади: "Хотирам унга ишонгунимга қадар хизмат қилади. У сақлаётган нарсани қоғозга кўчирдимми — хотирам гўё аразлагандек шу заҳотиёқ унутиб юборади. Шундан сўнг нималарни қоғозга туширганимни ҳам эслай олмай юраверaман».

Бу маслаҳат ақлий меҳнат кишилари учун айниқса, фойдали, чунки ҳозирги ахборот уммонидан керакли нарсани эслаб қолиш учун кераксиз нарсани унутиш шарт. Ахборот оқими эса, бизга тўрт томондан тўхтовсиз келаётган маълумотлар. У боғча, мактабга нисбатан институт, ишхонада янада ортиши аниқ.

Уйдаги, оилавий даврадаги маълумотлар ёнига энди бошқаларини қўшинг — кўни-кўшни, қариндош-уруғ, ёр-дўстлар, транспорт, ҳамкасблар, илмий ва бадиий адабиёт, радио, телевизор, қўл телефони, интернет ва ҳоказолардан узлуксиз келаётган маълумотлар. Эндиликда ахборот оқимини чексиз уммонга қиёслаш мумкин.

Хотирани мустаҳкамлаш ҳақидаги суҳбатда унутиш тўғрисида сўз юритаётганимиз эриш туюлмасин. Гап шундаки, масаланинг бу жиҳатига одатда кам эътибор берилади. Ҳолбуки, аҳамиятсиз нарсани унутиб, зарурини эслаб қолиш истеъдод белгиларидан бири ҳисобланади.

Лекин барибир хотира ҳақида фикр юритганда ҳаммани фақат бир нарса — уни ривожлантириш ва такомиллаштириш масаласи қизиқтиради. Зотан, барча нарсани аниқ ҳамда узоқ вақт эслаб қолишни ким ҳам истамайди дейсиз?!

Хотирани қандай қилиб мустаҳкамлаш мумкин, деган саволга жавоб излашдан аввал унинг ўзига қисқача тўхтаб ўтайлик. Мутахассислар хотиранинг узоқ ва қисқа муддатли, тезкор ёки оралиқ хотира каби турларини фарқлашади, аммо уларнинг бари ўзаро алоқадор.

Узоқ муддатли хотира – биз бир умр эслаб қолган исмлар, манзиллар, ёшликдаги муҳим воқеалар ва ҳоказо. Улар хотирага бир марта ёзилганининг ўзидаёқ умр бўйи сақланиб қолади. Масалан, ўқувчилик пайтингизда карра жадвалини бир марта ёдлагансиз, лекин ҳеч қачон унутмайсиз. Шунингдек, болалигида велосипед ҳайдаш ва сузишни ўрганган, аммо кейинчалик улар билан ҳеч қачон шуғулланмаган одам ҳам кексалигида бемалол велосипед ҳайдайди ёки сузиб кета олади, негаки, бу кўникмалар хотирада бир умрга муҳрланиб қолган.

Қиска муддатли хотирага энг яхши мисол имтиҳондан ўтган заҳоти билганларингизнинг кўпчилигини унутиб юборишдир. Бу — вақтинчалик хотиранинг бир тури, холос, унинг бошқа кўринишлари ҳам бор. Масалан, янги телефон рақамларини эслаб қолишингиз учун қанча вақт керак? Одамлар билан танишганингизда уларнинг исмини ва уларга тегишли бошқа маълумотларни эслаб қолиш учун-чи?

Агар шу ўринда бепарвороқ бўлсангиз, етарлича диққат-эътибор бермасангиз, ушбу маълумотларни қайта эслашингиз мушкул. Янги ахборотни узоқ муддатли хотирага ўтказмоқчимисиз? Бунинг учун унга яхшилаб диққат қилинг, хаёлингизда бир неча марта такрорланг. Тўғри, қандайдир бир воқеа-ҳодиса ўз-ўзидан ёдда сақланиб қолади, демакки, ўзингиз сезмаган ҳолда унинг қайсидир жиҳати эътиборингизни тортган.

Энди **оралиқ хотира** қайси жиҳати билан бошқа хотиралардан фарқ қилиши ҳақида фикр юритадиган бўлсак, аввало шуни айтиш керакки, мия қабул қилган ахборот дастлаб саралаш босқичидан ўтади. Унинг шу лаҳзада зарур бўлган энг қизиқарли қисми оралиқ хотирага бир неча дақиқа сақлаш учун узатилади. Агар ахборотни саралаш давомида унинг шу қисми диққатга сазовор деб топилса, узоқ муддат сақлаш учун ўтказилади. Суст даражада қайд этилган ахборот унутилиб кетмаслиги учун уни қайта-қайта такрорлаш керак.

Инсон хотираси, умуман олганда, ана шу тарзда фаолият юритади, аммо бу жараён ҳар бир шахсда алоҳида, ўзига хос хусусиятлар билан кечади. Бу — иккита одамнинг хотираси яхши ёки ёмон дегани эмас, балки ўзига хос тарзда фаолият кўрсатади, демакдир. Ушбу ҳолат ёшликдан шаклланади. Кимдир ўқитувчи айтганларини яхши эслаб қолса, бошқаси мавзуни дарсликдан ўрганади. Яна бир ўқувчи 10-15 сатрли шеърни бир ўқишда ёдлаб олса, қисқагина физикага оид формулани эслашга қийналади. Бошқа биров формулани бир қарашдаёқ илғаб олади, аммо тарихий саналар, воқеаларни эслаёлмай қийналади.

Замонавий психология фанида хотира характерига кўра, **образли**, **ҳиссий** ва **мантиқий** каби турларга бўлинади.

Образли хотирани туйғулар хотираси дейиш ҳам мумкин. У тутун ва гул ҳидини, нон ва дори таъмини, тоғлар шакли ва самолёт кўтарилишини, жароҳатга қўйилган пахта майинлигини ва металл совуқлигини, тиканнинг санчилиши ва биров билан сўрашгандаги қўл тафтини яхши эслайди.

Туйғу ва кечинмаларга асосланган **ҳиссий хотира** образли хотира билан узвий боғлиқ. Бунинг сира ажабланарли жойи йўқ. Чунки жамики кечинмаларимиз ёдимизда сақланиб қолган образлар билан алоқадор. Масалан, бирон нимага қуйинар эканмиз, беихтиёр кўз ўнгимизда унинг тимсоли намоён бўлади. Бироқ шунга қарамай, ҳиссий хотира ўзига хос хусусиятларга эга. Битта воқеани кўрган одамлар унга турлича муносабатда бўлиши бунга яққол далилдир. Мисол учун бир фильмнинг мазмунини ҳар ким ҳар хил ҳикоя қилиб беради. Кимдир воқеаларни изчил баён этса, бошқаси образлар ёки йўлни тасвирлашга берилиб кетади, учинчи биров ўзига кучли таъсир кўрсатган жиҳатини гапиради, холос.

Мантиқий хотира фикр, сўз, тушунчалар билан боғлиқ. Хотиранинг бошқа турлари сингари у ҳам шахснинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқади.

Хотиранинг ана шу учала тури доимо ёнма-ён юради, аммо ҳамиша биттаси бошқаларидан сал устунлик қилиб туради. Шу сабабли ҳам одамларнинг эслаб қолиш қобилиятлари ҳар хил. Муҳтарам ўқувчи, ҳар кимда турлича хотира бўлар экан-да, дея янглиш фикрга бориб юрманг. Шуни унутмангки, **ҳар бир одамда хотиранинг барча турлари мавжуд, лекин фақат биттаси бошчилик қилади.**

Т. КАМОЛОВ,
кимё фанлари номзоди

Fuqarolik qonunchiligi

Уй-жойга эгалик ҳуқуқи

суд томонидан эътироф этилади ва муҳофаза қилинади

(Давоми. Бошланиши учинчи бетда)

Аксинча, Самарқанд шаҳри ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизмати давлат унитар корхонасидан берилган жавоб хатига кўра, ушбу уй 3/2215 инвентар режасига асосан халқ судининг 1939 йил 16 октябрдаги қарори билан Ҳ.Тожибоевга тегишлидир.

Судда аниқланишича, уй китоби ва А.Маликованинг фуқаролик паспортида аризачи 1976 йилдан буён шу уй рўйхатида тургани ва яшаб келгани акс этган. «Даризанжир» маҳалласи томонидан судга тақдим этилган далолатнома ва маълумотлар ҳам буни тасдиқлайди. Қолаверса, Самарқанд шаҳридаги 1-сонли давлат нотариал идорасининг маълумотномасига кўра, Ҳ.Тожибоевдан сўнг ушбу уй бўйича мерос иши очилмаган.

Фуқаролик кодексининг 187-моддасига биноан, мулкдор бўлмаган, лекин кўчмас мол-мулкка ўн беш йил давомида ёки бошқа мол-мулкка беш йил давомида ўзиники каби ҳалол, ошкора ва узлуксиз эгалик қилган шахс бу мол-мулкка мулк ҳуқуқини олади. Кўчмас ва бошқа мол-мулкка давлат рўйхатидан ўтказилиши шарт бўлган мулк ҳуқуқи ушбу мол-мулкка эгалик қилиш ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддат туфайли олган шахсда ана шундай рўйхатдан ўтказилган пайтдан бошлаб вужудга келади.

Олий суд Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги 14-сонли **«Якка тартибда қурилган уйга бўлган мулк ҳуқуқи билан боғлиқ низолар бўйича суд амалиёти тўғрисида»**ги қарорининг 2-бандига кўра, уйга ёки унинг бир қисмига (улушга) бўлган мулк ҳуқуқини эътироф этиш ҳақидаги ишлар судга тааллуқлидир.

Суд А.Маликованинг уйга эгалик қилиш ҳуқуқини белгилаш ҳақидаги аризасини муҳокама қилиб, ишда мавжуд ҳужжатлар ҳамда юқорида қайд этилган қонун талабларига асосланиб, унинг аризасини қаноатлантиришни лозим топди. Шу тариқа А.Маликованинг эгалик ҳуқуқини белгилаш ҳақидаги аризасини қаноатлантириш ҳақида суд қарори қабул қилинди.

Сўнгги сўз ўрнида шуни айтиш жоизки, якка тартибда қурилган уй-жойга нисбатан эгалик ҳуқуқини эътироф этиш, шу каби уй-жойдан ҳисса ажратиш, фойдаланиш тартибини белгилаш билан боғлиқ низоларнинг судларда мазмунан кўрилаётгани ва бу борада одил судлов таъминланаётгани фуқароларнинг мустақил суд ҳокимиятига бўлган ишончини янада оширмоқда.

Шоҳида МУРОДУЛЛАЕВА,
фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд шаҳри судининг судьяси

Jinoyat va jazo

Инсон шаъни — дахлсиз

бинобарин, унга путур етказиш энг оғир жиноятдир

(Давоми. Бошланиши учинчи бетда)

Афсуски, бу ҳаётда инсон шаънига, ҳаётига дахл қилишдек мудҳиш жиноятга қўл уришдан қўрқмайдиган кимсалар ҳам учрар экан. Қуйида ана шундай тубанликка қўл урган бир кимсанинг қилмишлари ҳақида ҳикоя қиламиз.

Камол Тожиев (исм-фамилиялар шартли) айни жавлон уриб ишлайдиган ёшда — эндигина ўттиз бирга тўлди. Рости, бу ёшда одам ишлаб чарчамайди. Аммо киши ақлини, куч ва ғайратини яхшиликка йўналтириши, эзгуликка хизмат қиладиган амалларнигина бажариши лозим. Йўқса, одам тўғри йўлдан адашиши, нафақат ўз умрига зомин бўлувчи, шу билан бирга, бошқалар ҳаётига ҳам жиддий хавф соладиган қилмишга қўл уриши ҳеч гап эмас. Бунинг тасдиғини Камолнинг қилмишлари мисолида ҳам кўриш мумкин.

Аввало, унинг илгари ҳам бир неча марта фирибгарлик жиноятига қўл уриб, жавобгарликка тортилганини эслатиб ўтиш жоиз. Олий Мажлис Сенатининг 2006 йил 30 ноябрдаги **«Амнистия тўғрисида»**ги қарорига биноан у жазони ўташдан озод ҳам қилинди. Таассуфки, қалб кўзи кўр, жоҳил кимсалар бундай мурувватдан тўғри хулоса чиқариб олмас экан. Йўқса...

Йўқса, Камол яна эгрилик кўчасига кирмаган бўларди. У хусусий фирмалардан бирида иш юритувчи бўлиб ишлаётган эса-да, фикру хаёли меҳнат қилмасдан бойлик ортириш билан банд эди. Эгри мақсадга эришиш учун ўзича бир нималарни режалаштириб юрарди.

Иш давомида Камол фойдали машғулот билан шуғулланмасдан, «Интернет»да танишув сайтларини кузатадиган, ўзига Башир деган сохта исм қўйиб, танишларига ўзи ҳақида гўёки катта амалдор, бой инсон сифатида сўзлаб берадиган бўлди. Эсли-ҳушли киши учун бундай таги пуч гапларнинг аҳамияти йўқ, албатта. Буни Камолнинг ўзи ҳам яхши билади. Аммо «Интернет»дан ҳали оқу қорани танимайдиган ёшлар ҳам фойдаланишади, Камолга эса, айни шу керак.

Қисқаси, «Интернет»да танишган Моҳина Камолнинг сўзларига ишониб, у билан учрашишга рози бўлди. Хаёлида пишириб юрган хуфия режаларини амалга оширадиган пайт келди, деб ўйлаган Камол пўрим кийиниб, белгиланган жойга етиб борди. Қараса, ўн олти-ўн етти ёшлардаги қиз уни кутиб турарди. Камол қизни қаҳвахонага таклиф этади. Суҳбат асносида ўзининг катта бир идорада хизмат қилиши, бой-бадавлат эканлиги, уйида бир ўзи яшаши ҳақида сафсата сотди. Сўнг Моҳинани уйини кўришга таклиф қилди.

Тўғриси, Камол шу қадар ишонч билан, берилиб сўзлардики, ҳали яхши ва ёмонни унчалик ажратолмайдиган, ақл-мулоҳаза билан иш юритишдан кўра ҳиссиётга кўпроқ бериладиган ёшдаги Моҳина унинг сўзларига ишониб қолди.

Камол қизни аслида ўзи ижарада турган хонадонга бошлаб келди. Унинг асл қиёфаси шу ерда намоён бўлди. Гап шундаки, Камол Моҳинанинг ялиниб-ёлворишларига ҳам қарамай унинг қўл-оёғини каравотга чандиб боғлади.

Шундан сўнг у Моҳинанинг онасига қўнғироқ қилиб, қизи гаровда экани, агар бир кун ичида айтилган маблағни келтириб бермаса, Моҳинани қайта кўрмаслигини айтиб, таҳдид қилди.

Табиийки, ҳеч бир ота-она боласини хавф-хатар ичида қолдиришни истамайди. Ота-она фарзанди учун ҳатто жонидан ҳам кечишга тайёр. Инсонга хос энг гўзал бу туйғудан ўзининг қабиҳ режаси йўлида фойдаланаётган Камол: «Пулни фалон жойдаги дўкон сотувчисига берасиз. Унинг ҳеч нарсадан хабари йўқ. Агар ҳуқуқ-тартибот идорасига хабар берсангиз ёки сотувчига Моҳина ҳақида бир оғиз билдирсангиз, қизингиздан айрилдим деб ҳисоблайверинг», дея таҳдид қилишдан ҳам тоймайди.

Бошига тушган кутилмаган бу хатар Моҳинанинг онасини қаттиқ ташвишга қўйса-да, у барибир ўзини босиб, ички ишлар идорасига хабар берди. Уларнинг кузатувида Камол сўраган пулни келишилган жойга олиб борди. Шунда дўкон сотувчиси: «Баширнинг сумкасини келтирдингизми?» — деб сўради. Она барибир она-да, қизининг тақдирига қайғурганидан ўзини босолмай йиғлаб юбориб, сотувчидан: «Қизимнинг ўзи яхшими?» — деб сўраганини билмай қолди. Бу гапдан ҳайрон бўлган сотувчининг елка қисганича ортига қайтиб кетганини кўргач, Камолнинг огоҳлантириши эсига тушиб, лаб тишлади.

Аммо бироздан сўнг Камол яна қўнғироқ қилиб, «Нега сотувчидан гап сўрадингиз, сизга охирги имконият, агар индамай пулни берсангиз, бердингиз, йўқса, қизингиздан умидингизни узинг!» — дея дўқ урди.

Бу гал сотувчини ички ишлар идораси ходимлари кутиб турарди. Шундан сўнг кўп ўтмай Камол ҳам қўлга тушди. Моҳина эса, онасининг бағрига соғсаломат қайтди.

Жиноят ишлари бўйича Учтепа тумани суди К.Тожиевни Жиноят кодексининг 137-моддаси 2-қисми «а», «б» бандлари, 138-моддаси 2-қисми «а», «б» бандлари, 165-моддаси 3-қисми «а» банди, 119-моддаси 3-қисми «а» банди ва 164-моддаси 2-қисми «а» бандида назарда тутилган жиноятларни содир этганликда айбли деб топди ва унга нисбатан озодлик маҳрум қилиш жазоси тайинлади.

Мақола аввалида ҳам таъкидлаганимиздек, инсон шаъни, қадр-қиммати ҳар қанча улуғлашга, эъзозлашга лойиқ қадриятдир. Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар ҳам моҳият-эътибори билан ана шу эзгу мақсадга хизмат қилади. Ислоҳот ислоҳот учун эмас, энг аввало, инсон учун, унинг бахту саодати учун деган тамойилнинг устуворлиги ҳам фикримизнинг исботидир. Маънавий-маърифий, ижтимоий-иқтисодий, сиёси-ҳуқуқий жабҳаларда олиб борилаётган янгиланиш ва ўзгаришлар жараёни инсон қадр-қимматининг янада юксалишига замин яратаётир.

Аммо ҳаётда баъзан юқорида баён этилганидек нохуш ҳодисаларнинг ҳам учраб туриши кишини афсуслантиради. Тўғри, жиноятчи айбига яраша жазо олди, аммо бундай кўнгилсизликлар бизни янада ҳушёрликка ундамоғи лозим. Зотан, келажак эгалари бўлган ёшларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларни ёт ғоялардан, «оммавий маданият» сингари хатарли таъсирлардан ҳимоя қилиш бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан биридир.

Мирғани МИРЗОҲИДОВ,
жиноят ишлари бўйича Учтепа тумани судининг раиси
Отабек САФАРОВ,
«Куч — адолатда» мухбири

КУЧ—АДОЛАТДА

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир:
Шодикул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Бўритош МУСТАФОЕВ
Олимжон ИСМАИЛОВ
Шерали РАҲМОНОВ
Мавжуда РАЖАБОВА
Нуриддинжон ИСМОИЛОВ
Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ
Муҳаммад АЛИ
Омонбой ОҚЮЛОВ
Холмўмин ЁДГОРОВ
Дилбар СУЮНОВА
Юлчибой ТУРСУНБОЕВ
Шоюнус ҒОЗИЕВ
Бахриддин НАИМОВ

Навбатчи муҳаррир
Отабек САФАРОВ

Саҳифаловчи
Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди. Манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 1.
E-m@il: kuch-adolatda@mail.ru
Тел.: 239-02-54, 241-01-56

Буюртма: Г-116. Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда. Адади: 9325.
2 3 4 5 Топшириш вақти: 20⁰⁰ Топширилди: 22³⁰